МАСАЛ ТИПИДАГИ АСАРЛАРНИНГ АНАЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.АБДУЛЛАЕВА

В статье исследуются и некоторые функциональнве и структурные особенности произведений притчевого характера. Автор на основе изучения басни и притчи литературах Востока и Запада, ведёт сравнительно типологический анализ, выявляет факторы, определившие их типологические сходства и различия.

The article discusses some functional and structural peculiarities of literary works of parable character. On the basis of studying the peculiarities of fables and parables of the East and West the author provides a comparative typological analysis of parable works and finds out the factors defining their typological similarities and dissimilarities.

Адабий жамоатчиликда қаҳрамонлари аллегорик образлар бўлган, якуни ҳикматли сўз ёки мақол билан хулосаланган, кўчма маъно устувор бўлган кичик ҳажмдаги асарни масал деб аташ оммалашган. Жанр тарихига эътибор қилсак, қадимда “масал” атамаси остида кенгроқ маъно тушунилган. Қадимги давр кишилари илк асарларни оғзаки шаклда яратганлари назарда тутилса, улар нутқини бирор мисол келтириш билан безаганлар. Бу мисол эса вазиятга кўра қисқа, ихчам, қиёсга мос бўлиб, панд-ўгитни ўзида акс эттирган. Машҳур бўлиб, оммалашиб кетган сюжетга эса сўзловчи ўзининг мулоҳазалари ва хулосаларини қўшиб баён қилаверган. Натижада мисол асосидаги воқеанинг мағзигина қолган ёки хулосанинг ўзигина нутқда фойдаланилган. Масал сўзи араб тилида “мисол”, “намуна”, “ўрнак”, “ўхшаш”, “таққослаш” каби маънолар англатишини эсга олайлик. Масал атамаси тор маънода сюжетида ҳайвонлар иштирок этадиган кичик шаклдаги асарни англатса, кенг маънода унга яқин келадиган асарлар ҳам тушунилади. Мақол, матал, ривоят, нақл, маноқиб ва ҳолотлардаги ҳикоятлар, латифалар шулар жумласидандир. Таъкидлаш ўринлики, “масал” деганда араблар бугунги кунда кенг тарқалган, Европа анъаналарига мос келувчи мақол ва матал тушунчаларидан *кенгроқ маънони* (таъкид бизники – Д.А.) қамраб олишган” [12. 68] . Масал типидаги асарлар деганда, уларнинг ҳаётда тайёр ечим ҳолатда қўлланиши, амалиётга мўлжалланганлиги, универсаллик касб этиши, ҳажмнинг қисқалиги ҳамда дидактик мазмун устувор бўлиши жиҳатидан ўзаро ўхшашлиги тушунилади. Ғарб халқлари адабиётидаги притчанинг тарихига эътибор қаратсак, шарқ халқларидаги сингари қадимда бу атама остида мақол ҳам, ҳикматли сўз ҳам, масал ҳам идрок этилган. Притча рус адабиётида дидактик адабиёт сифатида ўринлашган, образли ва ибратомуз асар мисолида шаклланган. Қатор тадқиқотчилар – В.Бочаров, М.Ильина, Д.Чавчанидзе бу жанрнинг параболик хусусиятига аҳамият берадилар. Баён этилган воқелик унинг муаллифи ва замондан, у яратилган муҳитдан узилади ва эгри чизиқ бўйлаб аввалги жойга қайтади [8;295]. Параболик хусусиятни притчанинг ички мазмуни, образлари, сюжети эмас, асарнинг пароболик функцияси ҳосил қилади. Бу функция ҳикоя сюжет структурасидаги ҳар бир қисмнинг бошқа воқеликка қиёсланишидан ташкил топади.

Диоген ёмон ҳулқли болани кўриб унинг тарбиячисини таёқ билан савалади мазмунидаги хрия кечувдан ўтаётган бўталоқнинг сувга ётиб олиши ва эгасининг она туяни савалаши воқеаси ҳикоя қилинган ўзбек халқ оғзаки ижодидаги ривоят билан яқин. Масал мустақил равишда турли ҳаёт ҳодисаларига муқояса тарзида келтирилиб, ўзининг анъанавий образлар ва мотивлар доирасига эга бўлади. Масал характеридаги асарларнинг муштарак жиҳатларини қуйидагича кўрсатиш мумкин: 1. Функционал тарафи. 2. Универсаллик. 3.Умумлаштириш мазмунининг етакчилиги. 4. Ҳажмнинг қисқалиги.

Далиллаш шакллари ичида масалнинг ўрнини Аристотель «Риторика» асарида белгилаб берган эди. Аристотель нотиқликда ишонтиришнинг иккита усули - мисол (paradeigma) ва энтимема (enthymema), мантиқнинг индукция ва дедукция усулларига ўхшашлигини кўрсатади. “Мен риторик силлогизмни (асословчи фикрни) – энтимема деб атайман, ҳаётий мисолни эса – риторик йўллаш деб атайман: чунки барча нотиқлар ўз фикрини асослашда ё ҳаётий мисол келтирадилар, ё энтимемалар қурадилар – фикр билан асослайдилар” [2.232]. Демак, нотиқ ёки сўзловчи ўз фикрини далиллаш учун *ҳаётий мисол* келтиради ва шунинг баробарида нутқининг образли бўлиши, таъсирчанлиги ҳам таъминланади.

Масал типидаги асарларга хос хусусиятлардан бири баён қилинаётган , *мисолга олинган* сюжетнинг қаҳрамонлари номининг ўзгариб кетишидир.

Кулгили воқеаларнинг бош қаҳрамонига Насриддин Афанди номи берилишини келтириш мумкин. Воқеанинг асоси сақланган ҳолда унинг ўзаги ҳам латифада, ҳам ривоятда, ҳам эртакда учраши кузатилади. Чунки оғзаки нутқда аввалдан тайёр ҳолда бўлган клишелар – ифода қолипларидан фойдаланиш қулай ҳисобланади. (Мисол учун, кундалик ҳаётда ҳам “Бир куни Афанди...” деган бошланма асосида исталган латифага хос воқеани айтиш мумкин.)

Шунингдек, масалнавис Эзоп ҳақидаги ҳикоятлар ёки у яратган масалларни ҳам халқ ўртасида сайёр сюжетлар сингари тарқалган дейишга асос бор. Эзоп ҳаётига доир асар (“Жизнеописание Эзопа”)да унинг хўжайини Ксанф билан бўлган воқеа баён этилади. Ксанф бир зиёфат даврасида маст ҳолда шогирди билан гаров ўйнайди: у денгиз сувини ичиб юбораман, дейди. Эртасига бажариб бўлмайдиган бундай шартга Эзоп жавоб топиб беради. Унинг ўргатгани бўйича Ксанф йиғилган одамларга қараб: “Азиз фуқаролар, сизларга маълумки, кўплаб дарёлар денгизга келиб қуйилади. Мен эса фақат денгиз сувини ичишга баҳслашганман, дарёларни эмас. Шундай экан, менинг рақибим олдин денгизга қуйиладиган ҳамма дарёларнинг йўлини беркитиб чиқсин, яна денгизга қўшиб уларни ҳам ичиб қўймай!” – дейди [9.62, 10.82]. Ксанф бу гаровда ютиб чиқса, Эзопни озод қилиши керак эди. Лекин у берган ваъдасини бажармайди.

Эзоп ҳаётидан олинган бу лавҳада муаллифнинг батафсил изоҳлари, воқеа рўй бераётган жойлар тасвири, қаҳрамонларнинг кечинмалари ва ҳис-туйғулари, уларнинг суҳбатлари атрофлича баён қилинади. Бундан Эзопнинг топқир ва зукко шахс бўлгани, мушкул вазиятлардан ҳам ақл кучи билан чиқа олишга моҳир эканлиги, доно ва тадбирлилигининг гувоҳи бўламиз. Маълумки, ривоятлардаги реалистик уйдирмалар у ёки бу тарихий ҳақиқатдан хабар бериш, айни чоқда ҳикоя қилинган воқеаларни ҳақиқат деб тасдиқлаш вазифасини адо этади [11.30].

Мазкур сюжетга аналогик жиҳатдан яқин бўлган ҳикоят Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида келтирилади. Асар пайғамбарлар ва ҳукамолар (донишмандлар, файласуфлар, тарихий шахслар)нинг ҳаёти тарихи, айрим эътиборга молик жиҳатларининг тавсифига бағишланган. Луқмони ҳаким номи пайғамбарлар қаторида ҳам, ҳукамолар зикрида ҳам (биринчи ўринда) келтирилади.

Луқмони ҳакимга тангри томонидан “нубувват ва ҳикмат” берилган, лекин у қул бўлган. Қулликдан қутулишига бир воқеа сабаб бўлгани келтирилади. “... хожаси (Луқмони ҳакимнинг – Д.А.) бир руд (дарё – Д.А.) қироғинда биров била нард ўйнади, бу шарт билаким, мағлуб бўлғон бу руд суйин (дарё сувини – Д.А.) тамом ичгай ё молин бергай. Ва Луқмоннинг хожаси утказди (ютқазди – Д.А.). Ҳариф (шериги – Д.А.) рудхона суйин тамом ичмак таклиф қилди. Ва ул мутаҳаййир (ҳайратда қолди – Д.А.) бўлди. Луқмон дедиким, шарт қиладурғон вақтдағи сувни ҳозир қил ё ғаразинг (мақсад, ёмон ният – Д.А.) бу ҳозир бўлғон бўлса, руднинг бу қироғиндағи сувни ичкунча нори (нариги – Д.А.) қироғиндағи сувни турғуз. Ҳариф бу ишдин ожиз бўлди. Хожаси халос топиб, Луқмонни озод қилди” [1.168].

Иккала ҳикоятнинг сюжет мотивлари ўзаро ўхшаш, структурал жиҳатдан ҳам уйғунлик бор. Ҳар икки воқелик қуйидаги схема асосида рўй беради: 1. Қулдор хўжайин гаров ўйнайди. 2. Бажариб бўлмайдиган шарт айтилади. 3. Ютқазган томон бутун мол-мулкини бериши керак. 4. Хўжайиннинг қули чора топиб бериб, гаровда ютиб чиқади. 5. Қулни мукофотлаш маъносида озод қилиниши.

Луқмони ҳаким ҳақидаги ҳикоятда денгиз ўрнида дарё бўлиб, ўша шарт айтилган вақтда сувни ҳозир қилиш ва иккала қирғоқ сувини ажратиш талаб этилади. Эзопнинг хўжайини озод қилиш ваъдасини бажармаган бўлса, Луқмони ҳаким хожаси томонидан озод қилинади. Эзоп ҳақидаги ҳикоят ҳажман катта, Алишер Навоий келтирган ҳикоят эса жуда қисқа. Луқмон ҳақидаги кейинги ҳикоят ҳам қисқа: “...хожаси анга буюрдиким, қўй ўлтуруб, яхшироқ узвини пишуруб келтур. Ул юрокини тили била пишуруб келтурди. Яна бир қотла дедиким, қўй ўлтуруб, ёмонроқ узвини пишуруб келтур. Ҳамул икки узвдин келтурди. Хожа нуктасин (бу ўринда: маъносини – Д.А.) сўрди эрса, дедиким, кўнгул ношойиста афъолдин ва тил нобойиста ақволдин бири бўлса, алардин яхшироқ узв йўқтур ва агар бўлмаса, алардин ёмонроқ йўқ” [1.169].

Эзоп ҳақидаги ҳикоятда ҳам шу сюжетга моҳиятан ўхшаш лавҳа бор. Ксанф Эзопга энг ажойиб нарсаларни харид қилишни буюрганда, у чўчқанинг тилини сотиб олади ва хўжайинининг меҳмонларига қовурилган, қайнатилган, газак ўрнида – уч мартагача тилдан тайёрланган таом тортади. Бунинг сабабини сўраганда, Эзоп: “Тилдан ҳам яхши ва ажойиб яна нима ҳам бўлиши мумкин? Ахир бутун фалсафаю илм дунёси тилга таянмайдими? Тилсиз ҳеч нима қилиб бўлмайди – на олиб, на бериб, на харид қилиш мумкин. Давлатдаги тартиб қоидалар, қонунлар, кўрсатмалар – ҳаммаси тил туфайли мавжуд. Бутун ҳаётимизнинг асоси – тил. Дунёда тилдан ҳам яхшироқ

нарса йўқ”[9.50,10.64]. Эртасига энг ёмон нарсадан таом буюрган Ксанфга Эзоп яна тил пишириб беради. Кейинги сафар эса Эзоп шундай жавоб беради: “Дунёда тилдан ҳам бўлмағур нарса бор эканми? Тил бизга жанжал, фитна, ёлғонлар, қирғинлар, ҳасад, низо, уруш келтиради: тилдан ҳам ёмонроқ яна нима ҳам бўлиши мумкин?”

Ҳар икки асарда ҳам инсон тили ҳам эзгуликка, ҳам ёвузликка хизмат қилиши мумкинлиги асосланади. Луқмон ҳақидаги ҳикоятда қўй тили бўлса, кейинги асарда чўчқа тили қатнашади. Айтиш мумкинки, ҳар қайси лавҳада миллий реалиялар ўз ифодасини топган. Эзоп ҳақидаги асарда ҳам, Алишер Навоий асарида ҳам мотивлар ўзаро ўхшаш бўлса-да, уларнинг тасвир кўлами, ифода ва баён йўсини, услубий жиҳатлари ва поэтик хусусиятлари ўзига хосдир. Мазкур сюжет схемасининг ҳудуд жиҳатдан бир-биридан йироқ бўлган икки халқ адабиётида учраши унинг фольклорга хослигидан далолатдир. Бундай ўхшашлик боиси сюжетнинг сайёрлиги дейишга асос бўлса, бошқа томондан асарлар ўртасида типологик ўхшашлик ҳам мавжудлигини инобатга олиш кераклигини англатади. Замонавий фольклоршунослик ва адабиётшунослик сайёр сюжетларни инкор этмаган ҳолда ўхшаш сюжетларнинг мустақил пайдо бўлишининг омиллари турли мамлакатлардаги муайян ижтимоий-тарихий шарт-шароит ва этик-эстетик эҳтиёж туфайлидир, деб эътироф этади [6.58].

Эзопнинг ҳаётига оид лавҳаларда иккита қулнинг анжир меваларини ўзлари еб, Эзопга туҳмат қилиши ва унинг ақлли тадбир топиб, айбдор эмаслигини исботлаши тасвирланган. Бу сюжет Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарида Луқмони Ҳаким мисолида ҳам келтирилади [4.117]. Румий қиёмат кунида яширилган барча сирлар ошкор бўлади деган фикрни мана шу воқеа асосида исботлайди. Эзопнинг яримафсонавий шахс бўлгани таъкидланади [3]. Луқмони ҳаким ҳақидаги Алишер Навоийнинг қайдларида “тарих аҳлидин баъзи ани ҳукамо силкида мазкур қилибдур”, яъни тарихчиларнинг айримлари Луқмони ҳакимни донишманд ва файласуфлар қаторида ёзган бўлса, халқ эса кўпроқ пайғамбар деб билган, каби фикр борлиги келтирилади. Яна бир ўринда унинг ҳукамо ёки пайғамбар бўлгани иккинчи марта ҳам қайд этилади: “Чун Луқмоннинг ҳикмати ва нубуввати орасида ихтилофдур. Ва аксар эл ани набий дебдурлар. Анбиё зумрасида битилди ва ҳукамо орасида ҳам мазкур қилилди” [1]. Луқмони ҳаким ҳақида икки хил фикр борлиги учун уни пайғамбар, донишманд, файласуфлар қаторида зикр этилгани Алишер Навоий томонидан билдирилмоқда. Айтиш мумкинки, Алишер Навоий ўз асарларида Луқмони ҳаким шахси ҳақида халқ орасидаги муайян мулоҳазалар асосида ҳамда айрим тарихий ва фольклор манбаларига асосан маълумот беради. Луқмони ҳаким номи “Қуръони Карим”нинг 31-сурасида келади. Унда ҳар ишда ўртача бўлиш зарурлиги уқтирилади.

Эзопнинг тасвирида унинг “хунук, ишга қовушиқсиз, қорни қаппайган, хумкалла, бурни пачоқ, яғир босган, қора танли, мажруҳ, қўллари ҳам калта, елкасидан букри бўртиб чиққан, лаби дўрдайган – шундай маҳлуқсифат бир киши” экани айтилади. Бироқ, у “одамлар учун катта хизмат қилган закий инсон” бўлган.

Луқмони ҳаким ҳақида эса биргина тавсиф бор. Алишер Навоийнинг келтиришича, “ранги қаро эркандур”. Демак, Эзоп ва Луқмони ҳакимнинг ташқи кўринишида ҳам мутаносиблик бор. Агар Эзоп ва Луқмони ҳаким ҳақидаги сюжет лавҳаларини ривоят нуқтаи назаридан текширсак, “талқиндаги тарихий шахс ҳамда воқеа ва ҳодисалар реал факт ва ҳақиқатдан узоқ эмас”[11.30]. “Жизнеописание Эзопа”да ва “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Маснавийи маънавий” асарларидаги бу мотивларнинг жуда яқин ўхшашлиги шу билан изоҳланадики, муайян воқелик халқ оғзида узоқ вақт яшаган ҳамда вақт ўтгач, ҳикоя қилинган матн структураси ва семантикаси ўзгариб борган.

Бундай - ихчам шаклда, ибратли, қизиқарли ва эсда қоларли тарзда ҳикоя баён қилиш барча даврлар учун ҳам зарур ва оммабоп усул бўлган. Чунки ахборот алмашувнинг бирламчи кўриниши оғзаки тарзда анъана эди.

Луқмони ҳаким ҳақидаги фольклорга оид манбаларда унинг Искандар Зулқарнайн даврида яшагани, дастлаб девона аталгани, кейин табиблик қилгани, подшодан адолатсизлик кўриб жазолангани ҳамда подшони ўлимдан олиб қолгани воқеаси келтирилади [7.5-13]. Фольклоршунос М.Жўраев Т.Бенфейнинг фикрларини таҳлил қилиб, европа ва ҳинд асарлари ўртасидаги ўхшашлик сабабларини уларнинг этник тарихидаги муштаракликдан эмас, бу халқлар ўртасидаги ўзаро маданий-тарихий алоқалардан излаш кераклигини таъкидлаган эди [5.116]. Искандар Зулқарнайннинг юришлари ва эллинизм даврида амалга оширилган савдо-иқтисодий, маданий алоқалар “эпик сюжетларнинг кўчиши” жараёни рўй берган биринчи босқич бўлса, араб истилочиларининг хуружи ва салб юришлари даври иккинчи босқич деб талқин қилинади. Демак, сайёр сюжетларнинг пайдо бўлиши ижтимоий-тарихий, сиёсий жараёнларнинг рўй бериши, ўзгариши билан ҳам боғликдир.

Эзоп ҳақидаги ҳикоятлардан яна бирида Миср подшоси Нектанебон Ликургга: “Ерга ҳам тегмайдиган, осмонга ҳам етмайдиган бино қурсанг сенга ўн йил ўлпон тўлайман, агар бу шартни бажармасанг, сен менга шунча вақт ўлпон тўлайсан”, - дейди. Ликург Эзопга бу топшириқни беради. Эзоп тўртта бургутнинг патларини юлдириб, махсус боқа бошлади. Муддат етганда бургутга болаларни миндирди, болалар: “Бу ёққа лой, хода, тўсин, ғишт ва қурилиш ашёларини узатинглар!” деб қичқиришади. Подшо Нектанебон Эзопнинг ақлига тан беради [9.117-118,10.92].

Мазкур сюжетга айнан бўлган ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарида мавжуд. Аёз исмли деҳқонга подшо: “Менга тепаси осмонга етмайдиган, таги ерга тегмайдиган қилиб иморат соладиган уста топиб кел”, дейди. Аёз хафа бўлиб уйига келса, хотини бу воқеани эшитиб, унга иккита жўр тўрғай топиб келишни айтади. Аёзнинг хотини жўр тўрғайларга “лой-ғишт”, “лой-ғишт” дейишни ўргатади. Уларнинг оёғига ип боғлаб, подшонинг олдига олиб бориб, ҳавога қўйиб юборади. Аёз подшога: “Энди сиз лой-ғишт етказиб берадиган мардикор топиб берсангиз, мана шу уста сиз айтган бинони қуради”, дейди [7.5-23-24]. Муштарак сюжетлар қадимги даврда халқларнинг савдо-сотиқ, маданий, иқтисодий алоқалари натижасида трансформациялашган, яъни халқлар ўртасида сюжет схемаси кўчиб юрган ва ҳар бир халқ ўз дунёқараши, эстетик эҳтиёжи, яшаш тарзи, урф-одат ва миллий анъаналарига кўра ўзлаштирган.

Шарқ ва ғарб адабиётидаги айрим масаллар адабий таъсир ва адабий алоқалар натижасида вужудга келган деб ҳисобланса, бошқа томондан эса ахлоқ меъёрлари ва инсонпарварлик, эзгулик тушунчаси барча халқларда муайян нуқтада ҳамоҳанг келиши жиҳатидан бир-биридан бехабар ҳолда ўхшаш яратилган дейишга асос беради. Бу эса масал типидаги асарларнинг турлари, структураси, образлар тизими, функционал, умумлаштириш, мажозийлик жиҳатларини тадқиқ қилиш зару-риятини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 16-ж. – Т.: Фан, 2000
2. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Т., 2011
3. Гаспаров М. Античная басня - жанр, перекресток. Басня и притча. http://narva.ut.ee/wiki/index.php/
4. Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. – Т., 2010
5. Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. – Т.: Фан, 2009
6. Литературный энциклопедический словарь.– М., 1987
7. Луқмони Ҳаким. Эртаклар, нақллар, кулки-ҳикоялар, латифалар. – Тошкент: АС, 1990.- 5-13-бетлар.
8. Потебня А.А. Эстетика и поэтика.- М., 1990
9. Эзоп ҳақида афсоналар. (Тарж.: Меҳри Бону).- Т.: ART FLEX, 2010
10. Эзоп. (Пер.и комм-и М.Л.Гаспаров).- М.: Эксмо, 2009
11. Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. 2-т.- Т.: Фан, 1989
12. Қаҳҳоров А.С. Ал-Жоҳизнинг “Китаб ал-ҳайаван” асарида “масал”.- Т., 2007.

Андижон давлат университети,
2013 йил 25 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)